

# ЎЗБЕКИСТОН | UZBEKISTAN

TIER 1 | USCIRF-RECOMMENDED COUNTRY OF PARTICULAR CONCERN (CPC)

АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) АҚШ федерал хукуматининг мустақил ва икки партияли комиссияси бўлиб, 1998 йили қабул қилинган “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги қонун асосида ташкил этилган. Комиссия чет мамлакатлардаги дин ёки эътиқод эркинлиги тўғрисидаги универсал хукуқларга риоя этилишини кузатиб юборади. USCIRF чет мамлакатлардаги дин ёки эътиқод эркинлиги бузилиш ҳолатларини кузатиш учун халқаро стандартлардан фойдаланади ҳамда президент, давлат котиби ва Конгрессга сиёсий тавсиялар беради. USCIRF Давлат департаментидан алоҳида ва айри ташкилотдири. “2018 йилги йиллик ҳисобот” жойлардаги хукуқбузарликларни хужжатлашириш ва АҚШ хукуматига мустақил сиёсий тавсиялар бериш масаласида маҳсус вакиллар ва профессионал ходимлар амалга оширган бир йиллик ишнинг кульминацияси. “2017-йилги йиллик ҳисобот” 2017 йил январидан 2017 йил декабригача бўлган даврни ўз ичига олади, аммо баъзи ҳолларда бу муддатдан олдин ёки кейин содир бўлган муҳим воқеалар ҳам эслаб ўтилади. USCIRF ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун [мана бу](#) веб-саҳифага киринг ёки USCIRFга 202-523-3240 ракамни териб, тўғридан-тўғри мурожаат қилинг.

## Ўзбекистон

### Муҳим хуносалар

Ўзбекистонда кўпчилик 2017 йилда янги сайланган президент Шавкат Мирзиёевнинг ислоҳотлар ўтказиши эълон қилинган бошқарув курси диний эркинлик қатагонини юмшатади, деган умид билан яшади. USCIRF делегацияси 2017 йили Ўзбекистонга сафар қилиб, дин сиёсатида рўй бераётган ўзгаришлардан, жумладан, маҳбусларнинг озод қилинаётгани ва ислом динига амал қилишдаги айрим чекловлар енгиллаштирилаётганидан хурсанд бўлди, чунки олдинги маъмурият вақтида бу хақда ўйлаб ҳам бўлмас эди. Бироқ Ўзбекистон хукумати ислом экремизми таҳдиidi сабаб қилиб кўрсатилаётган дин эркинлигини кескин чеклаш борасидаги умумий сиёсатидан воз кечганича йўқ. Бундан ташқари, қанчалиги номаълум бўлган мусулмон дин маҳбуслари – кўпинча уларнинг сони 10 мингдан ошиқлиги айтилади – шубҳали айловлар билан оғир шароитларда узок қамоқ муддатини ўтамоқда. Яна йил давомида насроний динига мансуб камсонли жамоалар рейд, адабиётларни мусодара қилиш, қисқа мудатта хибсоналарда сақлаш ва қийноқ сингари доимий таъкибларга учради. Хукуматнинг тинимсиз назорати, қўрқитиши ва диндорларнинг фикрини очиқ айтгани учун ўч олинишидан қўрқиши сабаб Ўзбекистондаги дин эркинлиги шароитлари манзараси мужмаллигича қолмоқда.

Ушбу тизимли, чидаб бўлмас ва давом этаётган хукуқбузарликларга асосланиб ҳамда 1998 йилда қабул қилинган “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги қонунга (IRFA) кўра, USCIRF Ўзбекистонни яна 2018 йилда ҳам “алоҳида ташвиш уйғотовучи мамлакат” (АТУМ) деб белгилашни лозим деб топади. Давлат департаменти Ўзбекистонни 2006 йилдан бери ва сўнгги марта 2017 йил декабр ойида АТУМ деб белгилаган бўлса-да, 2006-йилдан буён бундай белгиов натижасида бирор жазо чораси кўришдан номаълум вақтга воз кечиб келмоқда.

## **АҚШ хукуматига тавсиялар**

- Ўзбекистонни IRFAга кўра АТУМ (СПС) деб ҳисоблашни давом этириш;
- 2009 йил январидан бери амал қилиб келаётган АТУМ деб белгилаш билан боғлиқ ҳар қандай аввалги воз кечишиларни бекор қилиш ва IRFAнинг 405 (с) бандига кўра, Ўзбекистон хукумати билан ушбу мамлакатни АТУМ рўйхатидан чиқариш учун амалга оширилиши керак бўлган ишлар масаласида мажбурий шартнома имзолашни ташкил этиш устида ишлаш; agar музокаралар фойда бермаса ёки Ўзбекистон шартномадаги мажбуриятларини бажармаса, IRFAда кўзда тутилган санкцияларни қўллаш;
- Инсон хуқуқларини поймол қилишда қатнашган, жумладан, дин эркинлигининг ўта оғир бузилишида қатнашган ёки жавобгар бўлгани аниқланган мансабдор шахслар ва муассасаларга қарши мўлжалли дастурларни қўллаш; ушбу дастурлар АҚШ Молия вазирлигининг Хорижий активлар устидан назорат бошқармаси тайёрлаб борадиган “Maxsus белгиланган фуқаролар” рўйхатини, IRFAнинг 604(а) бўлими асосида жорий қилинадиган виза беришни рад этиш ҳолларини, “Глобал инсон хуқуқлари жавобгарлиги бўйича Магнитский қонуни” ва “Глобал Магнитский қонуни” асосида маблағларга банд солиш киради;
- Ўзбекистон хукуматини кўплаб диний маҳбуслар – виждан тутқинлари сақланаётган ва машъум “Жаслиқ” қамоқхонасини ёпишга ундаш;
- тинч диний фаолияти ёки диний тегишлилиги учун қамоққа олинган инсонларнинг тез орада озод қилиниши учун энг юксак даражаларда босим ўтказиш ҳамда Ўзбекистон хукуматига маҳбусларга инсоний муносабатда бўлиш, уларга оиласи, инсон хуқуқларига риоя этилишини кузатувчи ташкилотлар вакиллари ва адвокатлар билан учрашиши, диний эътиқод амалларини бажариши ҳамда тегишли тиббий ёрдам олишига рухсат бериши учун босим ўтказиш;
- Kleptocracy Asset Recovery Ташаббуси дастури доирасида АҚШ мусодара килган ва коррупцияга дахлдор маблағларнинг Ўзбекистонга қайтарилиши учун Ўзбекистон хукумати олдига дин ва виждан эркинлиги аҳволини яхшилаш ва уларнинг халқаро инсон хуқуқлари талабларига мос бўлишини таъминлашни шарт қилиб қўйиш;
- АҚШ элчихонасининг инсон хуқуқлари фаоллари ва дин пешволари билан тегишли алоқаларини ҳатто элчи даражасида ҳам сақлаб қолишини таъминлаш;
- Ўзбекистон хукуматини қонунларини халқаро инсон хуқуқлари стандартларига мослаштиришга, жумладан, диний ташкилотлардан рўйхатдан ўтишни талаб қилишдан воз кечиш, тинчликка ундовчи диний адабиётни тарқатиш ва сақлашга ҳамда диний эътиқодга даъват қилишга рухсат беришга ундаш;
- АҚШнинг “Озодлик” радиоси ва “Voice of America” радиостанциясининг ўзбек тилидаги хизматини маблағ билан таъминлаш, бундан кўзланган мақсад Ўзбекистон ичидаги воеалар, жумладан, дин эркинлигига оид цензурасиз ахборот тарқатилишига эришишдир ҳамда
- ИНТЕРПОЛнинг “қизил билдирувлар” деб аталувчи халқаро ҳисбса олиш ва экстрадиция қилиш талабларидан нотўғри фойдаланиш хақидаги шикоятларни самарали кўриб чиқишга оид эълон қилган ислоҳотларни амалга оширишига эришиш.

## Маълумот

### Ўзбекистон

**Тўлиқ номи:** Ўзбекистон Республикаси

**Бошқарув усули:** Президент Республикаси

**Аҳолиси:** 29,700,000

**Давлат тан оладиган динлар/эътиқодлар:** ислом ва насронийлик (православ, католик ва протестант)

**Дин демографияси\*:**

93% мусулмонлар (92% суннийлар ва 1% шиалар)

4% рус православ насронийлари

3% бошқалар (жумладан, протестантлар, католиклар, Иегова гувохлари, буддавийлар, яхудийлар ва баҳоийлар)

\*АҚШ Давлат департаменти

Ўзбекистоннинг 1998 йили қабул қилинган “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни барча диний ташкилотлар хукуқларини кескин чеклайди ҳамда хукуматнинг диний, хусусан, кўпчиликни ташкил этувчи мусулмон жамоаси фаолияти устидан назорат қилишини осонлаштиради. Қонунда рўйхатдан ўтмаган диний ташкилот фаолияти жиноят эканини белгилаб қўйилган; диний нашрларнинг мазмuni, ишлаб чиқарилиши ва тарқатилишига расман рухсат берилиши талаб қилинади; балоғат ёшига етмаганларнинг диний ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши тақиқланади; жамоат жойларда факат дин арбоблари диний кийим кийиб юришига рухсат этилади; прозелитизм ва бошқа миссионерлик фаолият турлари ман этилади. Кўпгина диний ташкилотлар, мамлакатнинг 13 та вилоятидан 8 тасида доимий ваколатхонаси бўлиши сингари расмий рўйхатдан ўтиш талабларини бажара олмайди. 2014 йилда кучга кирган цензура тўғрисидаги батафсил фармонга кўра, эътиқодни “бузадиган” ёки шахсларни динини ўзгартиришга ундовчи материаллар тақиқланади.

Дин ишлари бўйича кенгаш (ДИК) динга оид материалларни тақиқлади. Шунингдек, хукуматнинг қўлида тақиқланган халқаро, хусусан, инсон хукуqlари ҳамда дин ва эътиқод эркинлигига тааллукли вебсайтларнинг кенг рўйхати бор. Дин ҳақидаги қонунда рухсат этилмаган диний материалларни мамлакатга олиб кириш, сақлаш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш тақиқланади. Хабар қилинишича, турли диний жамоалар аъзолари милиция рейдлари вақтида муқаддас битиклар мусодара қилинишидан кўрқиб, уларни йўқ қиласди. ДИК расмийсининг билдиришича, Ўзбекистон қонунчилигида диний битикларни факат расмий рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар бинолари ичida ўқишига рухсат берилади.

Ўзбекистон хукумати расман рухсат берилмаган диний фаолиятга қатпиқ шубха билан қарайди ҳамда дин амалиётини бажариш вақтида давлат назоратига бўйсунмаган кишиларга қарши турли, жумладан, жарима, жазоловчи тинтувлар ўтказиш, ҳибсхонада тутиб туриш, узоқ муддатга қамаш ва оила аъзоларини қўрқитиши сингари репрессив воситаларни қўллайди. Ўзбекистон дин номидан қонунбузарликлар қилган ташкилотлар таҳдидига дучор бўлаётгани сабабли хукумат тинч диндорлар ва хавфсизликка таҳдид солмайдиган кишиларга қарши бир хил талқин қилиб бўлмайдиган аксил-экстремистик қонунларни қўллади. 2016 йил апрелида Жиноят кодексининг

244-1 ва 244-2-моддалари кенгайтирилди ҳамда “экстремистик материаллар”га эга бўлганлик учун қамоқ жазоси 5 йилдан 8 йилга ва “экстремистик ташкилотлар” фаолиятида қатнашганлик учун қамоқ жазоси 15 йилдан 20 йилга оширилди. Давлат айри ҳолларда ислом фундаменталистлари ва прозелитизмда гумон қилинган кишиларни қонун йўли билан таъқиб қилди.

2917 йил октябрь ойида USCIRFнинг махсус вакиллари ва ходимлари 13 йил деганда ilk марта Ўзбекистонга сафар қилди. Улар ҳукумат амалдорлари, диний жамоалар ва нодавлат ташкилотлари вакиллари билан учрашиш мақсадида Тошкент, Бухоро ва Фарғонага борди. Гарчи USCIRF делегацияси ижобий ўзгаришлардан қаноат ҳосил қилган бўлса-да, Ўзбекистон ҳукумати диний эътиқодга муносабати ва фаолиятини ҳалқаро стандартларга мослаш учун ҳали кўп иш қилиши кераклиги кундай равshan эди.

## 2017 йилдаги диний эркинлик шароитлари

**Ислом экстремизмига оид ўзбошимча айбловлар:** Юзлаб ўзбеклар Сурия билан Ироқда жанг қилаётанига ишонилади ва ўзбекистонликлар дунё бўйлаб бир неча террорчилик ҳужумига аралашиб қолди, шу сабабли Ўзбекистон ҳукуматининг терроризмдан ташвишланишга қонуний ҳаққи бор. Шунга қарамасдан, ўзбек ҳокимият идораларининг қийноқ ва мажбурлашни кенг қўллаши, сиёсий ва иқтисодий можароларни ҳал қилишда диний айбловлардан фойдаланиш, тегишилийкни баҳона қилиб, айб қўйиш сабабли қонун йўли билан таъқиб қилишни ўзбошимчалик ёки уйдирма бўлган айбловлардан ажратиш қийин. Масалан, 2016 йил февралида Ўзбекистон фуқароси, армани насронийси, балиқ етиштирувчи фермер Арамис Авакян яна тўрт нафар ўзбек билан бирга қўзғолон кўтариш ҳамда Ироқ ва Суриядаги Ислом давлатига бориб қўшилиш учун Сурияга қочишни режалаштириш айбловлари билан етти йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Жиноят иши қийноқлар орқали олинган кўрсатмаларга асосланди, асосий гувоҳ ва бирга айбланувчи эса кейинчалик асосий тафсилотларнинг аксарият қисмини ўйлаб тоғанини тан олди. Авакяннинг оиласи у ўзи эгалик қилаётган балиқчилик фермасини маҳаллий амалдор ихтиёрига бериб юборишни истамагани учун шу кўйга солинганини иддао қилди.

2017 йилда президент Мирзиёев раҳбарлиги остида узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган репрессив сиёsat умумий тарзда юмшагани сабабли инсон ҳукуқларига риоя этилишини назорат қилувчи ҳукуқ фаоллари USCIRFга унинг 2017 йил октябрь ойидаги сафари чоғида берган маълумотларига кўра, мусулмонларга қўпол ва ўзбошимчалик билан қилинган муносабатлар сони пасайган кўринади. Ҳукуматнинг ўзи ислом экстремистлигига гумон қилиниб, расмий “кора рўйхат”га тиркалган 17 000 кишидан 16 000 кишини ундан чиқарганини эълон қилди. Баъзи рўйхатдагилар кичик ёшдаги болалар, кекса қариндошлар, қамалган диндорларнинг оила аъзолари бўлиб, ўша рўйхатга тушганидан хабари ҳам бўлмаган. Бироқ Ўзбекистонда эркин ва мустақил оммавий ахбопрот воситаларининг йўклиги, ҳукумат фаолиятида ошкораликнинг мавжуд эмаслиги ушбу ўзгаришлар қанчалик теран эканини баҳолашни қийинлаштиради, диний эркинликка дахл қилиш ҳоллари 2017 йилда ҳам давом этди. 2017 йил ноябрида Ўзбекистон ташқарисида фаолият юритувчи бир қанча оммавий ахбортот воситалари (ОАВ) Тошкент шаҳрида оммавий рейдлар ўтказилгани хусусида хабар қилди. Рейдлар давомида 100 га яқин киши ҳисбга олинди, уларнинг аксарияти дин билан боғлиқ сабабларга кўра қамалган кишиларнинг оила аъзолари эди. Гарчи кўпчилиги “Хизб ут-Тахрир” ислом фундаментализми ҳаракатига алоқаси

бор-йўқлиги, 2008 йилдан бери экстремизмда гумон қилиниб қочиб юрган аёлнинг қаерда экани тўғрисида сўроқ қилиниб, қўйиб юборилган бўлса-да, етти киши ҳисобот даври охирига қадар ҳибсхонада ушлаб турилди. Ўзбекистондаги Мустақил инсон ҳукуқлари химоячилари ташаббус гурухига (МИҲХТГ) кўра, ҳибсга олингандарнинг бири Насруллоҳ Агзамов бўлган, унинг отаси 2001 йилдан бери қамоқда ўтирибди, амакиси эса 2006 йили қийноқлар окибатида оламдан ўтди.

2017 йил октябрида “Озодлик” радиоси диндорларни қийноқка солиш ва ҳибсхонада ушлаб туришга қарши камдан-кам рўй берадиган жамоат жойдаги норозилик тўғрисида хабар тарқатди. Бир қанча кишилар узоқ вақтдан бери инсон ҳукуқларини химоя қилиб келаётган Елена Урлаева ва журналист Малоҳат Эшонкулова кўмагида ўғилларининг ҳибсга олиниши ва уларга ёмон муносабатда бўлинаётганига қарши норозилик билдириди. Иnobat Арзиева деган аёлга кўра, ўғли Ҳасан 2017 йил апрелида Россиядан қайтиб келганидан сўнг қамоқка олинган, сўроқ қилувчилар қаттиқ қалтаклагандан сўнг оёқ-қўли ишламай қолган. Бошқа бир аёл Барно Восиеванинг айтишича, ўғли 2017 йилда ҳибсга олинган ва элекрошок ёрдамида қийноққа солинган. Ҳеч бир мустақил ОАВ ушбу ҳолатлар юзасидан хабар бермади, бу Ўзбекистонда инсон ҳукуқлари бузилиши ҳақида маълумот олиш қанчалик мушкул эканини кўрсатади.

Яна 2017 йил октябрида Ўзбекистондаги камсоғли шия мазҳаби вакили Жаҳонгир Кулиджанов ноқонуний диний ташкилот фаолиятида қатнашгани учун 5 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Жаҳонгир 2017 йил февралида Бухоро шаҳридаги қаҳвахоналардан бирида машҳур ислом арбоби Сайдда Зайнабнинг туғилган кунини нишонлаш ва Карбало жангига ҳақидаги электрон китобни ўқиш учун йиғилгандан сўнг ҳибсга олинди. Гарчи Кулиджанов пировардида жиноий жавобгарликка тортилган бўлса-да, бошқа бир киши ҳибсхонада аёвсиз қалтаклангани учун буйракларини операция қилдиришга мажбур бўлди. Гарчи нега айнан ушбу кишилар қўлга олингани аниқ бўлмаса-да, Ўзбекистон ҳукумати аксарият ҳолларда мамлакатдаги камсоғли этник гурӯхлар, жумладан, эронийлар муаммоларини ҳал этишдан қочади, улар ички шахсини тасдиқловчи ҳужжатларида этник ўзбеклар деб таснифланганини баҳона қилади.

2017 йил марта Илҳом Камолов Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ҳибсга олгандан сўнг орадан кўп ўтмай ҳибсхонада ўлди. Илҳомнинг акаси (укаси) Раҳмиiddin 2016 йил охирида Москвага қўлга олинди. Бунга Ўзбекистон ҳукуматининг унга “Ҳизб ут-тахрир” ташкилотига тегишлилик айби қўйгани сабаб бўлди ва у 2017 йил декабрида Россия қамоғида 16 йилга кесилди. 2017 йил январида Россиядан Тошкент аэропортига учиб келган Умар Бадалов ҳибсга олинди. У ўша ёқда оғир ускунга оператори бўлиб ишлаган. Бадалов аввал ислом экстремизмida айбланиб, қамалган, 2003 йилда 17 йиллик қамоқ муддатининг 4 йилини ўтагандан сўнг афв этилган эди; МИҲХТГ ҳисоботида айтишича, давлат идоралари уни 2015 йили масжид ташқарисида бомба портлагани учун жавобгар қилишни режалаштирган эди. Ваҳоланки, бомба портлаган пайт у билан хотини воқеа содир бўлган жойдан 35 киломатр наридаги туғруқхонада бўлган.

**Ҳибсхоналардаги гайриинсоний шароитлар:** Ўзбекистон қамоқхоналари ва меҳнат лагерларида диний виждан маҳбуслари ҳар куни ҳам жисмоний, ҳам руҳий қийноқларга солинади, тўйиб овқатланмайди, оғир аксилсанитария шароитларида сақланади ва шароитларнинг ўзбошимчалик билан ўзгартирилишига дучор бўлади. USCIRFнинг 2017 йилги сафари чоғида яқин қамоқдан озод этилган маҳбус Ўзбекистоннинг олис шимолида жойлашган бадном “Жаслик” қамоқхонасини

“ҳақиқий концентрацион лагерь” деб атади. У ерда Аллоҳ номини ҳатто шунчаки тилга олиш ҳам тақиқланган. “Озодлик” радиоси икки ўғли диний экстремизмда айбланиб, 2010 йилдан бери қамоқда ўтирган Мұхаббат Холматова иши ҳақида хабар берди. 2017 йил ёзида унинг бир ўғли Алишернинг айтишича, қамоқхона кўриқчилари у билан ҳар қуни намоз ўқиётган тўрт киши ёки бошқа маҳбусларнинг жинсий аъзоларига жазо сифатида қайноқ сув қўйган. 2017 йили “Центр-1” мустақил хабарлар агентлиги Ўзбекистон қамоқхоналарида икки нафар диний маҳбус ўлганини хабар қилди. Улардан бири Шорасул Шораҳимов июль ойида қамоқда 12 йил ўтиргандан сўнг ўлган, унинг қайниси Абдужалил Каримов эса қамоқда 18 йил ўтириб, тузалмас касалликка дучор бўлгач, озод қилинди, аммо орадан кўп ўтмай май ойида вафот этди.

Ўзбекистон ҳукумати тез-тез ўзбошимчалик қилиб, қамоқ муддати тугаётган маҳбусларга кўпинча куракда турмайдиган ёки ғайритабиий баҳоналар билан муддат қўшиб беради. Бу номаълум муддатга хибсонада ушлаб туришга сабаб бўлади, шу тариқа ҳукумат шахсларни жазо муддатини узайтириб қўявериш орқали бир умр қамоқда ушлаб туриши мумкин; инсон ҳукуқлари химояси фаоллари бир неча минг маҳбус ушбу тактикани қўллаган ҳолда номаълум муддатга хибсда сақланмоқда, деб ҳисоблайди. 2017 йилда камида икки нафар диний маҳбуснинг қамоқ жазо муддати январда озод қилинишдан бир ой олдин беш йилгача узайтирилди: Абдукарим Мирзаевга – соқолини олмагани учун ва Аҳмадулло Мирзаевга – каравотини тўғрилаб қўймагани учун. Аёлларга хусусий диний таълим бергани учун қамоқ жазосини ўтаётган опа-сингил Мехринисо ва Зулхумор Ҳамдамовага 2016 йил ёзи ва кузида қамоқ муддатлари уч йилдан узайтирилди. Хабар қилишича, Мехринисо бачадон ўсмасидан азият чекади, ўсма жуда катталашиб операция қилиб бўлмайдиган аҳволга келган, аммо қамоқхона нозирлари унинг даволанишига рухсат бермади.

Манбаларнинг USCIRFга хабар қилишича, Мирзиёев президентликка келгандан сўнг қамоқхоналардаги шароит яхшиланди. “Жаслик” қамоқхонасида ҳар бир бўлмаси маҳбуслари иккитадан диний китобни танлаш ва улардан соат эрталабки тўққиздан кечқурунги бешга қадар фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. “Ҳизб ут-Тахрир”га алоқадорликда айбланиб, узоқ муддатга қамалган маҳбуслар шароит яхшироқ жойларга кўчирилди ёки унчалик қаттиқ бўлмаган режимга ўтказилди. 2017 йил сўнги ҳолатига кўра, ўзбошимчалик билан қамоқ муддатини узайтириш амалиёти барҳам топгани айтилди; аммо шу билан бирга бу ҳол диний маҳбусларнинг жазони ўташ муддатидан олдин озод қилинишига рухсат берилишини англатиши ёки англатмаслиги номаълумлигича қолди. Масалан, “Forum 18” ташкилотининг хабар беришича, турк каломшуноси Саид Нурсий асарларини ўргангани учун қамоққа ташланган 6 киши озод қилинди. Аммо у кишилар ўша йили олдинроқ қамоқ муддатини ўтаб бўлган ёки бир йил ичидан озод этилиши керак эди. USCIRF 2017 йил октябридаги сафари чоғида фуқаролик жамияти аъзолари маълумот беришича, маҳбусларни қамоқдан озод этиш масаласини кўриб чиқувчи комиссиялар маҳбуслар билан суҳбатлашган ва узоқ вақтдан бери қамоқда ўтирган диний маҳбуслар қамоқдан бўшатилаётган бўлган. Қанча маҳбуслар қамоқдан озод этилгани номаълумлигича қолмоқда; USCIRF ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ҳукуматидан савол сўраганда, унинг вакиллари диний сабабларга кўра қанча киши қамалгани, қанча маҳбус озод қилингани ҳақида бирор маълумот беришдан, ҳатто айнан қайси кишилар озод қилинганини намуна сифатида айтишдан бош тортди. USCIRF вакили суҳбатлашган собыкни маҳбуснинг билдиришича, олдинги президент вақтида йилига “Жаслик” қамоқхонасидан тахминан 10 маҳбус озод қилинган бўлса, Мирзиёев даврига

келиб, бу кўрсаткич ойига 15-20 кишига етди. Улар қамоқ муддатини қамоқхона маъмурияти узайтирганинг маҳбуслардир.

2017 йил декабрида Ўзбекистон Конституция қабул қилинганинг 25 йиллиги муносабати билан Мирзиёев 965 нафар маҳбус кечирилганини эълон қилди. Президентга кўра, улардан 763 нафари Жиноят кодекси моддаларига кўра диний эътиқоди сабаб жазоланиб қамалган эди. Бу афв эмас, кечириш бўлди. Озод қилингандаги жиноий айбловлар ўз кучида қолди.

***Мусулмонларнинг диний фаолияти билан боғлиқ чекловлар:*** Ўзбекистонда расман рухсат этилмаган хусусий дин амаллари кескин жазоланади. Ҳатто давлат рухсат берган ислом динининг оммавий тадбирлари ҳам диндорликни камайтириш мақсадида турли ва олдиндан айтиб бўлмайдиган йўллар билан узоқ вақт чекланиб келди. Аммо 2017 йилга келиб, ҳукумат энг кўп норозилик тутдираётган, жумладан, болалар, диний таълим ва ибодат амалларини жамоа бўлиб бажаришга оид чекловларни енгиллатди. 2017 йил охирларига келиб, ҳукумат масжидларга аzonни овозкучайтиргичлар орқали тарқатишга рухсат берилишини эълон қилди, бироқ қайси масжидларга қачон ва қай даражада баланд овозда аzon айтилишига рухсат этилиши ҳали аниқланиши кераклиги айтилди; ҳисобот даври тугаши вақтида Тошкент шаҳридаги энг катта масжидда аzon овозкучайтиргичлар орқали тарқатилаётган эди.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг аҳолиси энг кўп мамлакати бўлишига қарамасдан, ҳукумат узок вақт ислолм олий таълим институтлари миқдорини чеклашга ҳаракат қилиб келди. 2017 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистондаги 11 та олий таълим муассасасида фақат 250 киши таълим олаётган эди (энди бу рақамни аҳолиси анча кам бўлган Қирғизистондаги 112 та институтга таққослаб кўринг); бинобарин, Ўзбекистонда ҳар 8000 кишига бир нафар имом тўғри келади. 2017 йил ноябрида ҳукумат катта ёшли кишилар пуллук диний таълим олишини учун яна 700 та жой ажратилишини эълон қилди. Ҳукуматнинг болалар диний таълим олишини умумий тарзда маъқулламаслиги ва диний маросимларда қатнашишини тақиқлаши жамият ичида зиддиятлар манбасига айланди. Узок муддатли тақиқлар барҳам топиб, 2017 йилда болаларга масжидлардаги рамазон – ҳайит намозини ўқишига рухсат берилди, ўз навбатида масжидлар олдингидан фарқли ўлароқ, анча кеч вақтгача очик туришига изн берилди. Кузатувчиларнинг USCIRFга хабар беришича, масжидларга бошқа ўзгаришлар, жумладан, уларга кириш жойларидан милиция қўриқчилари постларининг олиб ташланиши, имомларнинг вазъларидан тарғибот мазмунидаги гаплар камайиши ҳам кўзга ташланди. Улар фикрларини айтишда ўзини анча эркини тутаётгандай кўринди.

Мусулмонларнинг ҳаж амалларини адо этиш учун мамлакатдан чиқишига рухсат олиши ҳамон қийинлигича қолмокда. 2017 йил январида Ўзбекистон ҳукумати фуқароларнинг умри давомида фақат бир мартадан кўп ҳаж қилмаслик чеклови жоирий этилишини эълон қилди. 2017 йил декабрида ҳукумат ҳаж қилувчилар бир неча шартни бажариши, жумладан, харажатларни қоплаш қобилиятига эгалиги, ўз жамоалари – яшаб турган жойларида обрў-эътибор қозонгани ва бошқаларга намуна бўла олиши зарурлигини маълум қилди.

***Чет элда яшовчилар ва уларнинг оила аъзоларини таъқиб қилиши:*** Ўзбекистоннинг қўплаб фуқаролари чет элларда истикомат қилади. Бунга Россияда яшаётган камида 1,7 миллион киши

киради, уларнинг кўпчилиги иқтисодий сабабларга кўра ўша ерда яшайди, аммо диний ва сиёсий таъкибдан қочиб ўша ёқларга кетиб қолганлар ҳам бор. Ҳукумат чет элларда яшаётган ўзбекларнинг кўпорувчилик ва диний экстремизмга майли бор деб хисоблаб, эмигрантларнинг оиласарини яқиндан кузатиб боради. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати юзлаб фуқаролари, хусусан, сиёсий ва диний диссидентларни чет элларда хибсга олиш ва ва экстрадиция қилиш учун кўплаб илтимосномалар – улар ИНТЕРПОЛнинг “қизил билдирувлари” сифатида машҳур – юборгани ҳақида хабар тарқатилди.

**Насронийларга зулм ўтказши:** Ўзбекистон ҳукумати энг қаттиқ жазоларни кўпчиликни ташкил қилувчи мусулмон аҳолининг ўз диний эътиқодини ифода қилгани учун жазолаш мақсадида сақлаб қўяди, бироқ миссионерлик фаолияти учун айланган насронийлик черковлари аъзолари – энг муҳими ўзбек миллатига мансуб аҳолига вавъз айтuvчи кишилар, этник руслар ва корейслардан фарқли ўлароқ, доимий тарзда жаримага тортиш, рейдларга дучор бўлиш, адабиётларини тортиб олиш, қисқа муддат ҳибсоналарда ушлаб туриш ва жисмоний туртқилаш сингари таъкибларга дучор бўлади. USCIRFнинг 2017 йилда Ўзбекистонга сафари вактида насронийлик динига эътиқод қилувчи камсонли гурухлар ўртасида саросима муҳити борлиги кўзга ташланди, улардан айrim кишилар чет элликлар билан гаплашмаслик хусусида очик-ойдин огохлантирилди ёки белгиланган учрашувлар очикдан-очик бекор қилинди.

Маъмурий даражада насронийлик ташкилотларига чекловлар рўйхатга олиш, диний адабиёт ва прозелитизм масалаларида қўлланади. Диний жамоани рўйхатга олиш учун талабларнинг мураккаблаштириб қўйилгани ортида ҳар қандай рўйхатга олишга бериладиган пировард рухсат ҳокимият идораларининг хоҳишига боғлиқ экани ётади. Янги насронийлик жамоаларини рўйхатга олишга ҳукумат рухсат берганига анча йиллар бўлди, давлат идоралари бир неча йил олдин рўйхатдан ўтишга уриниб кўрган Иегова гувоҳлари жамоаларига қарши қаттиқ жазо чораларини қўллади. USCIRF вакиллари ҳукумат амалдорларидан диний жамоалар нима учун рўйхатдан ўта олмаётгани сабабини сўраганда, улар ёлғондан сўнгги 10 йил ичida бундай ариза берилмаганини иддао қилди. Шахсий Библияни сақлашга оид бир-бирига зид кўрсатмалар мавжуд ва улар доимий тарзда одамларнинг уйларидан мусодара қилиниб туради. Библиянинг тарқатилишини ҳукуматга қарашли Библия жамияти қаттиқ назорат қилади, ўзбек тилида ибодат қилиш ва ўзбек таржимонларидан фойдаланиш норасмий тарзда тақиқланади.

Ўзбек ҳокимият идоралари насронийлик диний гурухлари орасида Иегова гувоҳларини кўпроқ таъкиб қилади. БМТнинг дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича маърузачиси, доктор Аҳмад Шаҳиднинг 2017 йил октябридан сафари чоғида 19 нафар Иегова гувоҳлари ташкилоти вакили Дин ишлари бўйича кенгаш буйруқларига асосан қисқа муддат ҳибсда ушлаб турилди. Иегова гувоҳларига фақат битта залда бир марта ибодат қилишга рухсат этилади, лекин унинг биноси Тошкентдан анча узоқдаги Чирчик шаҳрида жойлашган. Иегова гувоҳлари Урганч шаҳрида 2016 йил декабрида ўз жамоатини рўйхатдан ўтказишга уринганида расмий жавоб чоралари тўлқини бошланди. Милиция ташкилотнинг бир аъзосини соатлаб калтаклаши оқибатида у миясидан жароҳат олди ва эшитиш қобилиягини қисман йўқотди. Маҳаллий матбуот яхши ишлагани учун мақтаган онаси жаримага тортилди ва ишидан бўшатилди. Давлат ҳокимияти идоралари жамоатнинг Чирчик шаҳридаги пешвосини таъкиб қилиш баробарида хотинини мамлакатдан чиқариб юбориш билан қўрқитди. Чунки унинг хотини 2016 йил охири ва 2017 йилда

Туркманистон фуқароси эди. 2016 йил сентябридан 2017 йил июлига қадар Иегова гувохларининг ибодат йигинлари ва уйларига милиция 185 марта рейд уюштиргани хабар қилинди; 150 ка яқин Иегова гувоҳи жаримага тортилди, етти киши бар мартадан бир неча кунлик қамоққа хукм қилинди. Ушбу рейдлар давомида калтаклаш ва таҳдид қилиш ҳолатлари юз берди, бир ҳолатда милиция ходимлари хибсга олинган аёлларни текшириш максадида баданини пайпаслаб кўрди.

Ўнлаб протестантлар, жумладан, баптистлар ва Еттинчи кун адвентистлари ҳам рейдларга дучор бўлиб, жаримага тортилган ва 2017 йили бутун мамлакат бўйлаб вақтинчалик ҳибсоналарда ушлаб турилган. Апрель ва июнь ойларида камида олти нафар протестант бирга ибодат килгани учун 5 кундан 15 кунгача қисқа муддатли қамоққа ташланди. Милиция икки нафар протестантни Ўзбекистон шимоли-ғарбида шахсий уйида пасторни меҳмон қилгани учун авёвиз калтаклагани ва шикоят ёзишни илтимос қилганда бу инобатга олинмагани хабар қилинди.

## **АҚШ сиёсати**

Ўзбекистон Марказий Осиёning аҳолиси энг кўп мамлакати бўлиб, минтақанинг қолган тўрт собиқ Совет республикаси ва яна Афғонистон билан чегарадошdir. Бундан ташқари, Ўзбекистон минтақани Россия билан боғлайдиган темирийўл тизими марказида жойлашган. Шу сабабли АҚШнинг Ўзбекистондаги сиёсати сўнгги йилларда Афғонистондаги халқаро кучларни зарур нарсалар билан таъминлаш йўли бўлган Шимолий тақсимот тармоғида (ШТТ) ушбу мамлакатнинг эгаллаган муҳим ролига қаратилган. Ўзбекистон ШТТ марказида турди, аммо баъзан ҳамкорлик қилмай қўяди. Гарчи инсон ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан билдирилаётган хавотирлар сабаб айрим ҳолларда ёрдам берилмай қолаётган бўлса-да, АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида наркотикларга қарши кураш ва чегара хавфсизлиги сингари муҳим ҳамкорлик соҳалари мавжуд.

2017 йил декабрида президент Дональд Трамп президент Мирзиёев билан минтақа хавфсизлиги ва ҳамкорлик масалаларин телефон орқали муҳокама қилди. 2017 йил ноябррида АҚШ Миллий хавфсизлик кенгашининг катта директори Лиза Куртис ҳам президент Мирзиёев билан учрашди. 2017 йил сентябрида давлат котиби Рекс Тиллерсон Нью-Йорк шаҳрида вазирларининг C5+1 русумидаги учрашувига мезbonлик қилди, унда бешта Марказий Осиё мамлакати ва АҚШ ташқи ишлар вазирлари иштирок этиб, турли қўптомонлама, жумладан, асосий эркинликларни ҳурмат қилиш масалаларини муҳокама қилди. 2017 йил октябрида доктор Шаҳид Ўзбекистонга 15 йил дегандан илк марта БМТнинг Maxsus тартиблари мандати билан сафар қилди.

2016 йил февралида АҚШ Адлия вазирлиги Farb мамлакатларидағи банк ҳисоб рақамларида сақланаётган 800 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағга банд солди. Бунга Farbnинг телекоммуникация операторлари марҳум президентнинг қизи Гулнора Каримовага пора берганига оид гумонлар тергов қилинаётгани сабаб бўлди. Ушбу маблағлар Адлия вазирлиги 2010 йилда қабул қилган Kleptocracy Asset Recovery ташаббуси дастурига кўра мусодара қилинди. Баъзи кишилар ушбу пулни Ўзбекистон ҳокимият идораларига улар инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олган мажбуриятларини бажаришига боғлиқ қилиб қўйиш кераклигини айтмоқда. 2017 йил декабрида Каримовага нисбатан “Глобал Магнитский қонуни”га кўра санкция кўлланди.

Давлат департаменти 2006 йилдан бери Ўзбекистонни унинг тизимли, ашаддий, давом этаётган диний эркинлик бузилишлари сабабли “Алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакат” ёки АТУМ деб белгилаб келади. АТУМ белгилови сўнгги бор 2107 йил декабрида янгиланди. Давлат департаменти президентнинг турли чоралар, жумладан, санкциялар қўлламасликни давом этиришини “бузмакор экстремизм ва трансмиллий терроризмга карши кураш йўлида бирга ҳаракат қилиш” йўлида “Ўзбекистон хукумати билан АҚШнинг асосий миллий манфаатларига мос келувчи соҳаларда ҳамкорлик қилиш зарурати” билан изоҳлади.